Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

МУРАККАБ ИЖТИМОИЙ ТИЗИМЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МОДЕЛИНИНГ ЎРНИ

Бозаров Дилмурод Мирзарасулович

Фалсафа фанлари номзоди, доцент,Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар академияси

Каримова Гулноза Йигиталиевна

ўқитувчи,Фарғона давлат университети

РОЛЬ МОДЕЛИ САМООРГАНИЗАЦИИ В СЛОЖНЫХ СОЦИАЛЬНЫХ СИСТЕМАХ

Бозаров Дилмурод Мирзарасулович

Кандидат философских наук, доцент, Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан

Каримова Гулноза Йигиталиевна
преподаватель, Ферганский Государственный Университет

ROLE OF THE SELF-ORGANIZATION MODEL IN COMPLEX SOCIAL SYSTEMS

Dilmurod Mirzarasulovich Bozarov
PhD in Philosophy, Associate Professor, Academy of the Armed Forces of Uzbekistan

Gulnoza Yigitalievna Karimova
Lecturer, Fergana State University

Аннотация: мақолада мислсиз технологик салоҳиятга эга умумсайёравий тамаддун эволюциянинг навбатдаги бурилиши, қадриятлар, меъёрлар ва ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмлари тизимини ўз вақтида тарихнинг янги талабларига мос равишда такомиллаштиришга, бундай фикрлаш жуда катта интеллектуал ғайратни ва жуда кўп миқдордаги ахборотни талаб қилинилиши ўткинчи сиёсий симпатия ва антипатиялар таъсирига боғлиқ одатий фикрлашдан умуман фарқланиши асослаб берилган.

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

Аннотация: В статье обосновано следующий поворотный момент в эволюции планетарной цивилизации с беспрецедентным технологическим потенциалом, своевременно совершенствовать систему ценностей, норм и механизмов самоорганизации в соответствии с новыми требованиями истории, также такое мышление требует больших интеллектуальных усилий и большого количества информации, и что данное мышление из-за влияния преходящей политической симпатии и антипатии вообще отличается от общепринятого мышления.

ABSTRACT: The article substantiates the following turning point in the evolution of a planetary civilization with unprecedented technological potential, timely improve the system of values, norms and mechanisms of self-organization in accordance with the new requirements of history, also, such thinking requires a lot of intellectual effort and a lot of information, and that this thinking, due to the influence of passing political sympathy and antipathy, is generally different from conventional thinking.

КАЛИТСЎЗЛАР: Синергетика, модел, модда, ҳаёт ва ақл, активатор ва ингибитор, элевационизм, редукционизм, маданият, мифологиялар, ахлоқ, Нейрофизиология.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: синергетика, модель, материя, жизнь и разум, активатор и ингибитор, элевационизм, редукционизм, культура, мифология, этика, нейрофизиология.

KEY WORDS: Synergetic, model, matter, life and mind, activator and inhibitor, elevationism, reductionism, culture, mythology, ethics, neurophysiology.

КИРИШ

Синергетикада ишлаб чиқилган модел ва тушунчалар ҳозирда аниқ фанлар чегарасидан ўтиб, юқори эвристик аҳамият касб этмоқда. Мазкур парадигма тарафдоларининг фикрича, янги фанлараро тузилмани тузиш синергия самарасига эришишга кўмаклашиш, турли фан соҳалари нуқтаи назаридан хаос, мураккаблик ва ўз-ўзини ташкиллаштиришга оид тадқиқотларни рағбатлантиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мураккаб тизимлар ва ночизиқли динамика назариясининг асосчиларидан ҳисобланган К.Майнцер ўз илмий изланишларининг бутун доирасига тааллуқли ночизиқли фикрлаш ҳимояси учун қатор далилларни илгари суради. Булар квант механикасидан тортиб то инсоният тарихигача бўлган далиллардан иборат. У ўзининг ҳар бир далилини тарихий мазмунда очиш билан бирга, ночизиқли услубиётнинг илдизлари модда, ҳаёт ва ақл тўғрисидаги тарихий-фалсафий баҳсларга бориб тақалишини кўрсатиб беради[1, 464].

Масалан, Лейбницни мураккаб динамик тизимлар назариясининг илк вакилларига киритиш мумкин. У табиатда энг майда қурилиш блоклари(“монада”)дан тортиб то мураккаб организмларгача бўлган узлуксиз шкалали иерархик тартиб мавжудлигини кўрсатиб ўтган. “Ҳар бир тирик мавжудотнинг органик танаси ўзида барча сунъий автоматларни ниҳоятда ортда қолдирадиган илоҳий машина ёки табиий автоматни ифодалайди”[2, 178], – деб ёзади Лейбниц “Монадология” асарида. XVIII аср охирида Кант “Мулоҳаза қобилиятини танқид” асарида тирик мавжудотнинг моҳиятини тушунишда механикани қўллаш имкониятини шубҳа остига қўяди. Организм машина бўлиши мумкин эмас, чунки машина фақат ҳаракатлантирувчи кучга эга, организм эса ташкиллаштирувчи кучга ҳам эга. Организм “Ўз-ўзини ташкиллаштирадиган мавжудот” модели сифатида изоҳланиши лозим.

Шунинг учун ҳам физикада хаос назарияси соҳаси мутахассислари фалсафий характердаги қатор қизиқарли хулосаларга келишди. Р.Л.Гроссманнинг таъкидлашича, мураккаб тизимларнинг ночизиқли динамикаси биз учун янги дуализм манбаи

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

ҳисобланади. Агар квант механикаси микрообъектларнинг тўлқинли ва корпускуляр хоссаларининг дуализмини ўрнатган бўлса, ночизиқли динамика эса детерминаллашган ва стохастик хусусиятлар дуализмини очди. Мураккаб тузилмавий ҳосилалар табиатда бир вақтнинг ўзида ҳам детерминаллашган, ҳам стохастик тарзда бўлади[3]. Шунингдек, А.Ю.Грассберг ночизиқли динамикадаги вақтга доир қаторларни таҳлил қилиш ролини кўриб чиқар экан, детерминаллашган хаос чиройли бўлса-да, амалий эмас[4], деган хулосага келди. Бундан ташқари, ночизиқлилик феноменларини кузатиш ва тадқиқ этиш учун кўпинча "чизиқли очколар" катта ёрдам беради. Яъни, чизиқли таҳлилнинг яхши ишлаб чиқилган аввалги усуллари муайян чегараларда – фақат ночизиқли динамик ва мураккаб тузилмаларни ўрганишда қўлланилади. Масалан, мураккаб молекулаларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириши, ўз-ўзини йиғиши ҳайрон қоларли феноменлар бўлиб, улар кимё фанида ўрганилади. А.Мюллернинг таъкидлашича, кимё, моҳиятан, микрокосм ва макрокосм ўртасида алоқа ўрнатади, бизга ҳали кўп жиҳатдан номаълум бўлган мезокосмни ўрганади[5].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳозирги даврдаги тадқиқотлар Д.Юмнинг "Биз хаёл қилаётган нарсаларнинг ҳеч бири мутлақ эришиб бўлмайдиган нарса эмас"[6, 152], деган фикрини тасдиқлайди. Инсон хаёлотининг виртуал воқелиги ниҳоятда бойлиги кимёвий тажрибаларнинг замонавий техникаси ёрдамида янги ва янада янги рўёбларини топмоқда. Тизим мураккаблиги ошгани сари унинг функцияларининг хилма-хиллиги ва барқарор ҳолатлар эҳтимоллиги ҳам ошади. Бошқача айтганда, мураккаб тузилма ва шаклларнинг ҳосил бўлиши мультифункционал ва мультибарқарордир. Тириклик дунёсидаги асосий жараёнлар – бу ўсиш ва шакл ҳосил қилиш жараёнларидир. Бунда ночизиқли ижобий акс алоқа орқали бошқариладиган жадал, автокаталитик ўсиш жараёнлари кенг тарқалган. П.Шустернинг маърузасида таъкидланганидек, популяциялар динамикасида тез, шиддатли ўсиш босқичлари мавжуд бўлиб, улар ривожланишнинг стохастик жараёни туфайли навбатма-навбат алмашиб туради ("random Walk").

Шунингдек, Х.Майнхрдт тадқиқотларида эволюция ва ўз-ўзини қуриш механизмлари моллюска ва чиғаноқларнинг ўсиши мисолида тасвирланади. Бунда энг муҳим модель эволюциянинг икки қарама-қарши ташкил қилувчиси – активатор ва ингибитор модели ҳисобланади. Активатор – жараёнлар боришининг тезлашишига (кўпинча, ночизиқ ижобий акс алоқа билан), ингибитор эса – тез ўсишнинг секинлашишига олиб келади. Бу икки, бир-бирига қарама-қарши йўналган омилларнинг мураккаб ўйинини Майнхардт "мушук-сичқон" ўйинига ўхшатади. Бу ўйин ўсиб бораётган шакл тузилмаларининг ҳар бир локал соҳасида ўз ўрнига эга[7]. Кўпгина олимлар мисол сифатида инсон организми ишлашининг турли жиҳатларини кўриб чиқадилар.

Инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча тизимларининг мўътадил ишлашида хаос ва тартиб ўртасидаги муайян оралиқ босқич – детерминаллашган хаос характерлидир. Инсоннинг нафас олиши, юрагининг уриши, уйқу ва уйқусизлик маромлари, гормонал вазнлар, руҳий мувозанат каби барча жараёнларга инсон саломатлигини ушлаб туриш учун зарур бўлган хаоснинг маълум бир даражаси хосдир. Мисол учун, юрак аритмияси хавфли, лекин ҳаддан ташқари тартибланган юрак уриши ундан-да хавфли, демак, бу унинг касаллигидан дарак беради. Бир маромда уриб турган юрак ўзгарувчан ташқи шароитларга дарров кўника олмайди, унинг мослашувчанлик қобилияти кескин пасаяди. Бугунги олимлар "саломатлик – бу хаос ва тартиб ўртасидаги нозик мувозанат", деган хулосага келдилар.
Динамик тизимларни тиббиётга қўллар экан, У. ан дер Хайден "динамик касаллик" тушунчасини таклиф қилиб, фаол ривожлантирмоқда. Инсон организми ўз-ўзини такрор ишлаб чиқарадиган, ўз-ўзини қувватлайдиган тизим ҳисобланади. Бугунги кунда хаос ва ночизиқли динамика назариялари касалликларни аниқлаш ҳамда даволашда, хусусан, касалликнинг ўткир белгиларининг олдини олишда амалий рол ўйнамоқда. Масала шундаки, инсон ўз саломатлигини асраб қолиши учун қанча хаос керак; инсон организми хасталикка чалинмаслиги учун қанча хаосни кўтара олади; қачон тартибсиз тебранишлар мўътадилликни таъминлайди-ю, қачон хавфли хатарга айланади? Масала ана шунда.

Г.Хакен ҳам ўз асарларида қатъий физикадан инсон мияси ва хулқ-атворини тадқиқ этишга, дунёни билишда инсон ақл-идроки, руҳиятини ўрганишга ўтганлигини алоҳида таъкидлайди. Ўзининг яқинда нашрга чиққан "Миянинг ишлаш тамойиллари" китобида у инсоннинг синергетика натижаларига асосланган нейрофизиологик фаоллигини янгича тушунишни таклиф қилади[8, 351]. Унда мия ўзининг эмержент хусусиятларига эга бўлган, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мураккаб тизим сифатида баҳоланади. Яна бир нашр –

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

“Моддалар моддаси” жамоавий гуруҳ монографияси ҳам бизда шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Чунки унда ташкиллаштиришнинг турли даражаларида – микроскопик (нейродинамика) ташкиллаштиришдан макроскопик (психология ва когнитив фанлар) ташкиллаштиришгача мия-ақл фаолияти кўриб чиқилган. Бу китобда Хакеннинг “Мия синергетикаси” мақоласи ҳам чоп қилинган. Г.Хакен синергетик ёндашувни қисқача тавсифлаб, уни психологияга қўллаш истиқболларини баён қилган.

Синергетик кўриш бурчаги қандай? Энг турли хил табиий ва ижтимоий тизимларни тадқиқ қилишда қандай умумийлик бор? Умумийлик – бу тузилмаларнинг ички сабаб натижасида ҳосил бўлиши (“Strukturbildung”), макроскопик даражадаги сифат ўзгаришлари, янги хусусиятларнинг эмержент пайдо бўлиши, очиқ тизимлардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларидир. Синергетик қарашнинг анъанавий қарашдан фарқи, Хакен фикрича, содда тизимлардан мураккаб тизимларга, ёпиқ тизимлардан очиқ тизимларга, чизиқлиликдан ночизиқлиликка ўтишни тадқиқ этишдан, мувозанат ва мувозанат яқинидаги жараёнлардан делокализация ва нобарқарорликка, мувозанатдан йироқда нималар содир бўлаётганини ўрганишга ўтишни кўриб чиқишдадир. Ички сабаб натижасида вужудга келадиган макроскопик тузилмалар тартиб параметрлари билан, атрофнинг таъсири эса – назорат ўлчамлари билан изоҳланади. Тизимнинг кўпўлчамли мураккаб динамикаси тартиб параметрларининг унчалик кўп бўлмаган миқдори билан белгиланади ва оддий хулқ-атворни намойиш қилади. Синергетика бўйсуниш тамойилига мувофиқ, тартиб параметрлари тизимнинг алоҳида қисмлари ёки элементлари хулқ-атворини детерминаллаштиради. Мураккаб тизимлар хулқ-атворини тартиб параметрларини аниқлаш ва бўйсуниш тамойилини қўллаш йўли билан ифодалашнинг афзаллиги эркинлик даражаларининг муайян редукциясидан, ахборотнинг жудаям қисқартирилишидан иборат. Вазифанинг тўғри ва тескари ечимлари мавжуд: мураккаб тизимнинг тартиб параметрларини аниқлаш, ва аксинча, ушбу тизим хулқ-атворини тартибнинг маълум ўлчамлари бўйича тиклаш шулар жумласидандир.

Тартиб параметрлари – бу қўғирчоқларни ип билан тортиб ўйнатиш эмас. Тизим элементлари тартиб параметрларига тескари тарзда таъсир қилади. Биз циклик сабабият ҳодисасини кузатишимиз мумкин: бир томондан, элементлар тартиб параметрлари билан “бўйсундирилган”, бошқа томондан эса – тартиб параметрлари хулқини айнан элементлар белгилайди. Ёки бўлмаса, антропомерф манзарани тасвирлаш мумкин, яъни: тартиб параметрлари тизим элементлари ўртасида муросага келишни талаб қилади. Кам миқдордаги тартиб параметрлари ва алоҳида ҳолатларни аниқлашда улар эга бўлган камсонли имкониятлар шуни намоён қиладики, мураккаб тизимларда элементлар хулқи билан мувофиқлашган айрим тузилмаларгина амалга оширилиши мумкин.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Кейинчалик Г.Хакен синергетик ёндашувни идрок этиш психологиясига қўллаш имкониятларини кўрсатди[9, 416]. Бистабил образларни, масалан, инсон ёки вазанинг профилини ёки бошқа нарсаларни идрок этиш “ундан олдинги тарих”га, идрок этишнинг мавжуд қоидасига боғлиқ. Икки турли қиёфалар ўртасидаги осцилляциялар шу билан белгиланадики, тартибнинг бир ўлчами йўқ бўлиб кетади, бошқаси эса пайдо бўлади. Образларни аниқлаш ўз-ўзини батамом қуриб битказиш жараёни сифатида тушунилиши мумкин. Агар аниқланаётган образнинг айрим аниқ жиҳатлари берилган бўлса (тўлиқмас ахборот), у ҳолда улар тизимни бошқа етишмаётган жиҳатлар билан тўлдиришга мажбур қилади, демак, бутун бир паттерн қайта қурилади. Масалан, агар инсоннинг айрим юз қисмлари, айтайлик, кўзлари ёки бурни (қиёфани аниқлайдиган энг асосий элементлар) ифодаланган бўлса, ана шу ҳаракатга риоя қилиб давом эттирган ҳолда бутун юз қиёфасини қайта тиклаш мумкин.

Мураккаб табиий ва ижтимоий тизимлар хатти-ҳаракатини изоҳлашга синергетикани қўллаш қанчалик натижа бериши тўғрисидаги масала алоҳида баҳслар сабабига айланган. Синергетика призмаси фақат жамиятдаги жамоавий, оммавий жараёнларнигина яхши намоён қилади, лекин ҳар бир жамият аъзоси ёки кичик бир ижтимоий гуруҳнинг шахсий танлови, уларнинг уриниш ва хатти-ҳаракатлари яққол кўринмайди, уларни алоҳида кўриб ёки тушунтириб бўлмайди. Синергетика индивидуал қарорлар микродаражаси ва жамиятда динамик жамоавий жараёнлар макродаражаси ўртасидаги нисбатни ўрнатиб, макродинамикага стохастик изоҳ беради. Стохастик флуктуацияли макрожараёнлар master equations лар сифатида таърифланади.

Бугун гуманитар билимлар тизимида синергетиканинг концептуал аппаратидан фойдаланиш бўйича фанлараро олиб борилган

ишларнинг оралиқ натижаларини чиқариш мумкин. Шунинг учун ҳам биз мавзуни тўла қамраб олишга даъво қилмаган ҳолда, бугунги кун учун муҳимроқ ва замонавий илм-фанни ривожлантириш умумий тамойилларига мос бўлиб кўринган қатор назарий натижаларни имкон даражасида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Авваламбор, шуни ёдда тутиш лозимки, синергетик парадигманинг ёйилиши табиатшунослик ва жамиятшунослик ўртасидаги чегараларнинг йўқолиб кетишига олиб келадиган, дунёнинг универсал эволюцион манзарасини қуришни таъминлайдиган кучли омиллардан бири бўлди. Бунда мумтоз фан учун хос бўлган редукционизм стратегияси, яъни ўзаро таъсирнинг эволюцион энг юқори шаклларининг қуйи шакллар ўхшашлиги асосида талқин қилиниши қарама-қарши – элевационизм (лот. elevatio – кўтарилиш) стратегияси билан тўлдирилади ва қисман олиб ташланади. Яъни, эвристик ўхшашликлар юқоридан пастга қараб тарқалади, ва энг оддий ўзаро таъсирлар ҳам уларнинг ривожланиш истиқболлари орқали кўриб чиқилади. Кўрсатилган стратегия замонавий табиатшуносликда “галилейгача бўлган” натурфалсафанинг айрим фундаментал қоидаларини, жумладан, сабабий ва мақсадли детерминация парадигмаларини янгича синтези, субъект ва объект ёндашувларини қайта тиклайди. Бу, ўз навбатида, фан тараққиётидаги дисциплинар босқичнинг постдисциплинар (муаммовий) босқичга узвий ўсиб ўтиши билан боғланган.

Стратегик қоидаларнинг бундай алмашиниши инсонни дунё илмий манзарасининг марказий бўғинига айлантиради. Мумтоз ва номумтоз (квант-релятивистик) табиатшунослик доирасида инсоннинг дунёда мавжуд бўлиши янглиш ҳол ва ҳатто, И.Пригожин таъбирича, “ўзига хос тарздаги хато” сифатида кўринарди. Аксинча, ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси билан суғорилган янги номумтоз “Мен мавжудман” ибораси эмпирик жиҳатдан энг ишончли ва универсал назарияни тузиш учун бошланғич тезис сифатида қабул қилинади; шундан инсоннинг мавжудлигини назарга олмайдиган ҳар қандай табиий-илмий модел ишончсиз деб талқин қилинади. Синергетика махсус курслари, бир томондан, таълимнинг гуманитарлашуви воситаси, бошқа томондан – гуманитар фан вакилларнинг табиий-илмий фаолияти учун восита сифатида кўрилади. Услубий жиҳатдан, ўз-ўзини ташкиллаштириш концепцияларининг мулоқоти ўзида тўлдирувчанлик тамойили, ноаниқлилик тамойили, Геделнинг тўлиқсизлик назарияси, зарурий хилма-хиллик қонуни, кўпмаъноли мантиқлар ва бошқаларни мужассамлаштирган янги номумтоз фандаги дунёқараш қоидалари билан тўла уйғунлашганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Синергетиканинг мулоқотга асосланган асл моҳияти омма руҳиятидаги жараёнларни ва ижод механизмларини тадқиқ этишда унинг аппаратидан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Ночизиқли тафаккур тарихнинг янгиланаётган услубиётига хос алоҳида жиҳати бўлиб, бу ерда “барқарорлик ва беқарорлик”, “бифуркация”, “аттрактор” каби категориялар самаралидир. Улар тарихнинг фақат баён қилувчи фандан сценарийли ёндашувни ўзлаштирган назарий фанга айланишига хизмат қилади. Бу – тарихий қаҳрамонлар ва омма ҳаракатларини: биринчидан, уларнинг ўз маданий-руҳий координаталарида; иккинчидан, муқобил сценарийлар мазмунида баҳолашни тақозо этади. Хусусан, “синергетик” фикрлайдиган тарихчи, сиёсатчи, иқтисодчи у ёки бу қарорни аввалги ва кейинги ҳолатларни тўғри чизиқ бўйлаб таққослаш ёрдамида баҳолай олмайди: у кейинги воқеа-ҳодисаларнинг боришини бошқа муқобил йўллар билан солиштириши шарт. Табиийки, бундай фикрлаш жуда катта интеллектуал ғайратни ва жуда кўп миқдордаги ахборотни талаб қилади, бу эса илмий фикр юритишни бир онлик кайфият, ўткинчи сиёсий симпатия ва антипатиялар таъсирига боғлиқ одатий фикрлашдан умуман фарқлантиради. Турли ҳал қилувчи воқеа-ҳодисотларда воқеалар ривожининг гипатетик вариантларини “олдиндан ҳисоблаш” учун мўлжалланган компьютер дастурлари яқин истиқболда ночизиқли тарихий тафаккурнинг кучли қуролига айланиши эҳтимолдан холи эмас.

Мос равишда, синергетика футурологик тадқиқотлар услубиётини ҳам чуқурлаштиради. Тез-тез содир бўладиган қисқа муддатли бирон-бир тамойилларнинг тўғри чизиқда ёйилиши конструктивистик моделларга ўрин бўшатади: бунда келажак имкониятлар макони сифатида, ҳозирги вақт эса – кескин танлов жараёни сифатида кўринади. Бунда утопик лойиҳаларнинг уларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш парадигмаси билан концептуал мувофиқлиги даражаси бўйича ишончли воситаси ишлаб чиқилади. Утопик моделларнинг энг асосий белгиси шундан иборатки, улар ҳатто энг оптимал қарорларнинг ҳам муқаррар бадали бўлишини, шунингдек, салбий оқибатларни кузатиб бориш ва уларга тайёр туриш вазифасини ҳам назардан четда қолдиради.
Юқорида айтилганлар жиддий сиёсий ва иқтисодий дастурларни популистик дастурлардан фарқлаб, ҳозирга ишонч билан мўлжал олиш имконини беради. Асосийси – тамаддун, маданият,

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

интеллектнинг нафақат яқин, балки узоқ муддатли истиқболлари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ҳам янги илмий даражага кўтарилади. Шунингдек, илмий футурологиянинг шаклланишига материянинг кўпроқ эҳтимолли (тартибсиз) ҳолатлардан камроқ эҳтимолли ҳолатларга босқичма-босқич ўтишлари билан боғлиқ қатор фундаментал механизмлар ва илғор эволюцион тамойилларнинг аниқланиши ҳам хизмат қилади. Барқарор номувозанатлилик даражаларининг босқичма-босқич ўсиб бориши, "табиийликдан узоқлашиб бориши" асносида ҳосил бўлган универсал эволюцион вектор жамият тарихига, биомуҳит ва Оламнинг ўтмишига шунчалик чуқур кириб борадики, бу уни истиқболга ҳам қўллаш мантиқий эканлигини билдиради, бунинг устига, бундай концептуал операция келажак сценарийларининг қурилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Синергетик категориялар мажмуи антропология, маданиятшунослик, ижтимоий ва тарихий психология, этиканинг анъанавий муаммоларини янгича тушуниш, илгари кам ўрганилган боғланиш сабабларини ечиш учун ёрдам беради.
Ўз-ўзини ташкиллаштириш моделида жамият (ёки тамаддун ўзининг энг кенг, "космосоциологик" маъносида) алоҳида турдаги номувозанатли тизим сифатида юзага чиқади, унинг барқарорлиги ички ва ташқи (табиий муҳит билан) муносабатларнинг сунъий ёрдами орқали таъминланади. Мувофиқ равишда, барча воситачи механизмлар йиғиндиси – меҳнат қуроллари ва моддий маҳсулотлар, тиллар, мифологиялар, ахлоқ ва бошқалар "маданият" тушунчаси остида бирлашади.

Маданиятни энтропияга қарши мажмуавий механизм сифатида талқин қилиш эътиборни ижтимоий-табиий ва ички социал муносабатларнинг илгаридан бўлиб келган қарама-қаршилиги ҳамда шундан келиб чиқадиган ночизиқлилик, бифуркация босқичлари ва эволюцион ҳалокатлар ҳодисаларига қаратишни тақозо этади. Номувозанатли ҳолат фақат энтропиянинг бошқа тизимларда ҳам ўсиши ҳисобига барқарорлашиши мумкинлиги туфайли, ижтимоий организмнинг мавжудлиги муҳитдаги муқаррар бузилишлар ва антропоген тангликлар билан бирга кечади. Охиргилари деярли ҳар бир маданият тарихига кириб боради, шунингдек, антиэнтропия механизмлари бир хилда кучайиб, муҳитни вайрон қиладиган вазиятларда ниҳоятда кескинлашади. Натижада, аввалги босқичдаги бирмунча барқарор ҳолатни таъминлайдиган механизмлар салбий самара бера бошлайди ва ўзининг зиддига – энтропиянинг ҳалокатли ўсиши хавфига айланади. Беқарорлик босқичи ё тизимнинг ҳалокати, ё янада мураккаброқ, табиатга камроқ зарар етказиб, фойдали натижаларга эришиш имконини берадиган "шафқатлироқ" механизмларнинг шаклланиши билан якун топади.

Алоҳида тарихий материални мазкур концептуал схема орқали ўрганиш инструментал ва гуманитар интеллектнинг ривожланиши ўртасидаги умумий аҳамиятга эга боғлиқлик, яъни техно-гуманитар мувозанат қонуни(ёки эволюцион боғланишлар қонуни)ни аниқлаш имконини берди: ишлаб чиқариш ва жанговор технологиялар имконияти қанчалик юқори бўлса, жамият омон қолиши учун тажовузни тўхтатиб қоладиган такомиллашган воситалар шунчалик зарур бўлади. Маданиятнинг "кучи" ва "донолиги" ўртасидаги фарқ ошиши билан экологик ва геосиёсий экспансиянинг навбатдаги босқичи бошланадики, бу ўзига хос психология ва идеология билан кузатилади. Ўтмишда бундай босқич, кўпинча, ижтимоий организмнинг ўз мавжудлигининг табиий ва ташкилий асосларини синдирадиган ҳалокати ёки бузилиши билан якунланар эди.

Кўпсонли тарихий мисолларда намоён бўладиган бу воқеий вазият замонавий экологларга хос технофобия кайфиятини, шунингдек, инсониятни ягона тарих ва эволюцион истиқболлардан маҳрум қиладиган ёпиқ цивилизацион цикллар концепциясини ўзига сингдиради. Шу билан бирга, кенг миқёсли, вақт билан боғлиқ ва қиёсий-маданий умумлашмалар асосига қурилган техно-гуманитар мувозанат қонуни батамом бошқа мазмундаги тарихий лавҳаларни ҳам ҳисобга олади ва умуман олганда, масалани жуда ҳам ечимсиз қолдирмайди. Антропоген танглик кенг, ижтимоий тўйинган минтақани қамраб олган қатор ҳолларда, минтақа аҳолиси боши берк кўчадан чиқиш йўлини албатта топган ва аввалги авлодлар фаолиятининг оқибатлари билан белгиланган тарихий "чақириқ"қа муносиб тарзда жавоб берган. Бундай тарихий лавҳалар умуминсоний маданият тараққиётида кескин бурилишларни ясаган: ишлаб чиқаришнинг солиштирма унумдорлиги (ҳар бир вайроналик бирлигига фойдали маҳсулот ҳажми) ўсган; индивидуал ва ижтимоий онгда ахборот ҳажми ошган; ташкилий алоқалар кенгайган; ахлоқ, ҳуқуқ, гуруҳлараро ва гуруҳ ичидаги келишув усуллари такомиллашган. Махсус ўтказилган таҳлил кўрсатишича, бу ҳар томонлама тараққийпарвар ўзгаришларда кўп нарсалар кейинги барча тарихий бурилишларда ортга қайтариб бўлмайдиган нарсаларга айланди.

Умуман, сайёрамизда тамаддун ҳалигача яшаб

келаётганига сабаб – одамлар турли фожиавий тангликлар ўчоғидан ёриб ўтиб, куч тўплаб, охир-оқибат, ақлли бўла бордилар. Инсониятнинг илғор маданиятлари ҳар гал хўжалик юритиш, ташкил қилиш ва ижтимоий фикрлашнинг янада самаралироқ усулларини ишлаб чиқиб, тобора ўсиб бораётган технологик куч-қудратга мослашиб борди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, бу ерда мослашув феномени Г.Спенсердан бошлаб Э.Дюркгейм, Т.Парсон, Г.Нисбет ва бошқа муаллифларнинг функционал социологияси моделларидагидан бошқачароқ талқин қилинади: яъни, ижтимоий тизим муҳитнинг ички омиллар натижасида ўзгараётган шарт-шароитларига мослашишдан ҳам кўра (бундай вазиятлар қизиқарли эмас ва нисбатан бемаънидир), кўпроқ, ўзининг ўсиб бораётган имкониятлари ва инсон фаолияти оқибатларига мослашиб боради. Бу моделнинг қатъий фарқларидан бири барқарор номувозанатлилик концепцияси асосига қурилганлигидир. Функционалистлар фикрича, ижтимоий ўзгаришлар тизимни мувозанат ҳолатидан чиқарадиган ташқи ғалаёнлар оқибати ҳамда унинг дастлабки мувозанатли ҳолатига маълум даражада муваффақият билан интилиши натижасидир. Синергетика эса жамият ва табиат ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг имманент (ички) характерига урғу беради, улар ўртасидаги муносабатларнинг вақтинчалик барқарорлашуви, авваламбор, маданий ривожланиш параметрларининг мувозанати билан таъминланади ва жамиятнинг ўзининг фаоллиги натижасида мунтазам бузилади. Бундай вазиятларда диққат марказига кўпроқ бизнинг даврда эволюцион нуқтаи-назардан энг унумдор ва кўпсонли ҳисобланган антропоген тангликлар тушади. Умуман олганда, синергетик модел функционал социологиянинг мувозанатли моделларига қўшимча сифатида уларни “диалектик” концепция (ижтимоий ихтилофларга ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида баҳолайдиган) билан боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, яна шунга ҳам эътибор қаратиш муҳимки, ижтимоий тараққиётнинг энергетик ва гуманитар жиҳатлари ўртасидаги қонуний ва шу билан бирга, фожиавий муносабат илгари ҳам энг умумий ҳолда кўплаб маданият тарихчилари, файласуфлар ва шоирлар ишларида қайд этилган. Масалан, М.Волошиннинг “Каин йўллари бўйлаб” (“Путями Каина”) поэмасида шоир инсоният тарихининг таассуротли манзараси – ҳар бир “табиатнинг фош қилиниши” ўзидан кейин навбатдаги зўравонликнинг чайқалишига олиб келиши ва ўз навбатида, вақт ўтиши билан бу зўравонлик учқуни ўрнини “ўзаро ҳурмат” эгаллашини чиройли тарзда тасвирлаган[10, 153-154].

Машҳур тарихчи Г.Померанцнинг ёзишича: “Тарих – бу ахлоқий вазифалар жараёни. Ишларнинг эмас, йўқ – вазифаларнинг, бу вазифалар ҳар бир инсон олдига бутун инсониятнинг умумий қудратини қўяди, қийин ва янаям қийин, деярли бажариб бўлмайдиган, лекин ярмигача бўлса ҳам амал-тақал бажарилаётган вазифалардир (акс ҳолда, ҳамма нарса аллақачон бузилиб бўларди)”[11]. Бироқ, ушбу муносабатни умумий аҳамиятга молик қонуний боғланиш сифатида тасаввур этиш учун, диққат-эътиборни маданиятнинг энтропияга қарши функциясига, шунингдек, энтропияга қарши механизмларнинг салбий (вайронкор) жиҳатига жамлаш лозим бўлади. Мос равишда, синергетик ривожланиш модели тарихдан аввалги даврни; ўзида техно-гуманитар нисбат қонунининг ўзига хос ифодасини мужассамлаштирган (аввалги тарихий тажрибада ишлаб чиқилган қадриятли-меъёрий регуляторларнинг мавжуд технологик салоҳиятга мос келмаслиги) замонавий глобал танглик мазмунини; энг ўткир муаммоларни ҳал қилиш истиқболлари ва бу учун тўланадиган бадалларни янги қирраларда кўриш имконини берди. Бу ерда умумий тизимга хос яна бир қонуниятни кўрсатиш фойдадан холи бўлмайди, бу қонуният ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси доирасида очилган бўлиб, глобал муаммоларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланаётган мураккаб тизимларда ташкилий алоқалар динамикасини таҳлил қилар экан, рус олими Е.Седов тузилма иерархиясининг энг юқори даражасидаги хилма-хилликнинг самарали ўсиши доим аввалги босқичлардаги хилма-хилликнинг чегараланиши билан бадал тўлашини, ва аксинча, қуйи босқичдаги хилма-хилликнинг кўпайиши юқори даражаларнинг парчаланиши ҳисобига юз беришини кўрсатди. Айтилган хулоса табиий, ижтимоий-табиий, социал, семиотик, маънавий тизим бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги тизимларга тааллуқли бўлгани учун, иерархик компенсациялар қонуни (Седов қонуни) умуммиллий аҳамият касб этмоқда[12].

У ўтган асрнинг 50-йилларида У.Р.Эшби томонидан шакллантирилган зарурий хилма-хиллик қонунини тўлдириши билан бирга, файласуфлар, социологлар ва ахлоқшунослар (энг камида Анаксагар ва Эмпедоклдан бошлаб) ўртасида кўп асрлардан буён баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келаётган “олға ривожланиш ўсиш билан боғланганми ёки аксинча, хилма-хилликнинг

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss
© 2021 Support Science LLC
DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

чегараланиши билан кечадими?” деган масалага якун ясайди. Бугун ушбу ноўрин боғлиқликка эътибор қаратмай, ижтимоий ривожланиш истиқболлари ва стратегиясини жиддий муҳокама қилиб бўлмайди. Масалан у, маданий хилма-хилликнинг ўсиши қиммат, лекин зарур баҳо: биринчидан, жонли табиатнинг воқеий хилма-хиллиги чекланганлиги; иккинчидан эса – этник, минтақавий, диний ва бошқа макрогуруҳларга оид маданиятларнинг чуқур маъноли қатламларининг гомогенлашуви эканлигини тушунишга мажбур қилади. Демак, экологлар табиий муҳитнинг ижтимоий ҳаёт фаолиятига жалб этилган турларга оид таркиби муқаррар қисқаришига кўникишлари ва жараённинг кечишини диққат билан кузатиш ҳамда назорат қилишларига тўғри келади. Маданиятшунослар эса ўз эътиборини олижаноб, лекин амалга ошириб бўлмайдиган, хавфли оқибатларга олиб келадиган вазифа – ҳар бир маданиятнинг тарихий ўзига хослигини сақлаб қолиш вазифасига қаратишлари мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, барча анъанавий диний маданиятлар ва динлар бошқа – ҳозиргилари билан солиштириб бўлмайдиган инструментал имкониятлар доирасида шаклланган, улар ўз тарихий даври талабларига жавоб берган ва албатта, ана шу талабларнинг ўзгариб бориши билан шаклини ўзгартириб борган. Талаблар эса, яқин-яқинларгача ҳам, асосан, ижтимоий зўравонликни тартибга солиш, унинг хаосга айланишига йўл қўймасликдан иборат бўлган, чунки тарих ҳали инсоният олдига энг асосий вазифа – сиёсий майдондан зўравонликни олиб ташлаш вазифасини қўймаган эди. Шунинг учун ҳар бир маданият у ёки бу даражада одамларни “ўзиники”лар ва “бегона”ларга қатъий ажратди, ва қоидага мувофиқ, маданиятнинг марказий, асосий ташкил қилувчиси сифатида ҳамиша янги курашчиларни руҳлантириш учун сафарбар қилинган қаҳрамонлар, баходирлар ва жангчилар образларини киритди.

Синергетиклар онг категориясига янги призмадан қараш зарурлигига урғу берадилар. Улар бу масалани тадқиқ этилишига катта эҳтиёж сезилаётган беш долзарб муаммонинг бири сифатида қарайдилар[13, 154-155]. Баъзи олимлар томонидан синергетик ёндашувнинг онгга ночизиқли динамикага эга ўз-ўзини ташкил этган, иерархик ва очиқ тизим сифатида қарашга имкон бериши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Нейрофизиологик ночизиқли процесснинг ўз-ўзини ташкиллаши номоддий янги, интегратив эффект вужудга келтирадики, уни ташкил этганларнинг ҳеч бири худди шу сифатга эга бўлмайди. Айнан шу ёндашув призмасида кутилмаган психик кечинмалар онгнинг мураккаб ва ночизиқли табиатли бўлиши ҳақида фикр юритишга имконият яратади. Бунда элементар даражада ўзаро таъсирларнинг ҳамоҳанглиги масаласи ҳам эътиборга олинади. Худди шу боғлиқликда онгнинг мақсадга йўналтируви билан эволюцияси ва яхлитлиги орасида чамбарчас алоқа мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Ҳатто интуицияни онгости процесслар эволюция ва яхлитлик шартига тобе этадилар.

Хулоса

Бундан кўринадики, мантиқий даражада ноаниқликларни, флуктуацияларни (“анормал ғоя феноменлари”) тозалаш унга хизмат қилади. Мантиқий тафаккур бу қарашдан онгнинг йўналтирувчиси, унинг яхлитлигини сақланишининг муҳим шартларидан бири сифатида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам онгнинг ўз-ўзини назоратда сақлагани ва ўз-ўзини баҳолаш қобилиятига эга бўлгани ҳақида хулосага келиш мумкин. Бу синергетиканинг “доиравий сабабият” тушунчасининг шуурий (онг кечимидаги) процессларда ҳам ўзини намоён қилиш муддаосига асосланади. Шунинг учун ҳам синергетика асосчилари томонидан худди шу мавқедан мия физиологияси билан онг феноменлари орасида чамбарчас боғлиқлик тадқиқ этилади. Бундан кўринадики, онг феноменлари интегратив табиатга, яхлитлик сифатига эгадир, эмержент вужудга келтиради ва уларни қисмларга бўлиб бўлмайди. Бошқача айтганда, шуурий тажрибалар билан нейрофизиологик эффектлар ягона тизимни ташкил этади.

Бу эса, хусусан, “улар – биз” модели бўйича ўз-ўзини ташкиллаштирувчи макрогуруҳ маданиятларининг хилма-хиллиги йўққа чиқишини, уларнинг тобора ўсиб бораётган микрогуруҳга оид ва индивидуал маданият шаклларини олишини тақозо этади. Ушбу жараёнга компьютер тармоқларининг ривожланиши ва кенг тарқалиши ёрдам бериши мумкин, булар ўз навбатида, инсоний алоқаларни маконга боғлиқликдан халос этади, товар-қиймат муносабатларининг мазмунини ўзгартиради (ахборот ташкил қилувчисининг солиштирма оғирлигини аста-секин ошириш йўли билан), давлат, божхона каби чегараларни ювиб ташлайди ҳамда шу тариқа, давлат, миллат ва бошқа макротузилмаларнинг мавжудлигини анахронизмга (сарқитга, эскиликка) айлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

Oriental Journal of Social Sciences Vol.1 (1), pp.01-09, 22 May, 2021
Available online at http://www.supportscience.uz/index.php/ojss

DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojss-01-01

1. Майнцер К. Сложносистемное мышление. Материя, разум, человечество. Новый синтез Серия Синергетика: от прошлого к будущему Либроком. 2009, 464 с.
2. Лейбниц Г.В. Труды по философии науки. Пер. с.лат. Книжный дом ЛИБРОКОМ. 2013, 178 с.
3. Hybrid Systems / Eds. R.L. Grossman, A. Nerode, A.P. Ravn, H. Rischel. Berlin: Springer, 1993.
4. Грасберг А.Ю., Хохлов А.Р. Физика ценных молекул. - М.: Знание, 1984.
5. Barbuceanu, M. S. The Architecture of Agent Building Shell // Lectures Notes in AI. Vol. 1037. Intelligent Agents II / M. Barbuceanu, M. Fox; ed. by M. Wooldridge, J.-P. Mueller, M. Tambe. - Berlin: Springer Verlag, 1996.
6. Юм Д. Опыты: О торговле, деньгах, проценте, налогах. Пер. с англ. Изд. 2. Книжный дом ЛИБРОКОМ. 2012, 152 с.
7. Mainhardt H. Wie Schnecken sich in Schale werfen.Berlin, Springer, 1997.
8. Хакен Г. Принципы работы головного мозга. Синергетический подход к активности мозга, поведению и когнитивной деятельности. М. ПЕР СЭ. 2001, 351 с.
9. Синергетика и психология. Тексты. Выпуск 3. Когнитивные процессы. М. Когито-Центр. 2004, 416 с.
10. Волошин М. А. "Средоточье всех путей...". М., 1989 - С.153-154.
11. Померанц Г. С. Опыт философии солидарности.// Вопросы философии. - 1991, №3.
12. Қаранг: Седов Е.А.. Информационные критерии упорядоченности и сложности организации структуры систем. -В кн.: Системная концепция информационных процессов. - М., 1988; Информационно-энтропийные свойства социальных систем.// Общественные науки и современность. - 1993, №4.
13. Международный Московский синергетический форум (некоторые итоги и перспективы) // «Вопросы философии», 1997, №3, с. 154-155.
14. Ganiyev, B. S. (2020). EDUCATION-PRIORITY SPHERE OF REFORM IN THE CONDITIONS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT. Central Asian Problems of Modern Science and Education, 2020(1), 106-111.
15. Yuldashev S. U. TECHNOLOGY OF SOCIAL AND CULTURAL PROJECTION IN SCIENTIFIC MANAGEMENT OF SOCIETY //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 621-623.
16. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018) (pp. 1368-1372).
17. Каримов, У. У. (2017). РОЛЬ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. In Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017) (pp. 1189-1192).
18. Teshaboev, M. M. (2019). TASKS OF ETHICAL CULTURE IN THE ETHICS OF ARISTOTLE. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(5), 197-204.
19. Normatova, D. E. (2021). The Development Of Socio-Philosophical Thought In Western Europe On The Eve Of The End Of The Renaissance. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03), 371-377.
20. Тешабоев, М. (2016). МОРАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА ЛИЧНОСТИ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА. Theoretical & Applied Science, (6), 85-87.